

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказига Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ташриф буюрдилар



15:00 / 02.06.2022 1826

Бугун, 2 июнь куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказига ташриф буюрди.

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари ҳамда Имом Термизий ўрта-махсус ислом таълим муассасаси устоз ва талабалари иштирокида учрашув уюштирилди. Учрашувда Қуръон ходими, устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид «Қорилар силсиласи ва Қуръон ёдлаш услублари» мавзусида суҳбат қилиб бердилар. Жумладан, илм олиш ва унинг фазилатлари, Қуръон ёдлаш, Қуръоннинг мусулмон банда устидаги

ҳақлари борасида маълумотлар берилди ҳамда фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг илм ва талабаларга бўлган эътиборлари ҳақида ибратли сўзлари ёдга олинди.

Суҳбат давомида таълим муассасасининг 2 босқич талабаси Боборахматов Абдулбоситнинг қисқа фурсатда, деярли тўрт ой давомида Қуръони Каримни тўлиқ ёдлагани эътироф этилиб, устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид томонидан Мусҳаф совға қилиниб, муассаса раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди.

Таълим муассасаси раҳбари Шукрулло Умаров Ҳасанхон Яҳё Абдулмажидга Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан таржима ва нашр қилинган китобларидан совға қилди.

Учрашув сўнгида таълим маскани ва илмий тадқиқот маркази фаолиятига ҳайрли дуолар қилинди.